2016 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (13.101)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган сурат

Иқтисодиёт

ИСЛОҲОТЛАР БЕРАЁТГАН САМАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда Ўзбекистоннинг самарали иқтисодий сиёсати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори вазифасини бажарувчи А.Бекмуродов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори М.Болтабоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Сўнгги йилларда Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш" ҳисоботида мамлакатимиз рейтингининг изчил яхшиланиб бориши Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар самарасининг тасдиғидир. Жорий йилдаги ҳисоботда мамлакатимиз бизнесни юритиш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича 2014-2015 йилларда энг яхши натижаларга эришган ўн давлат қаторидан жой олди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион доллар миқдорида инвестиция жалб этилди ва ўзлаштирилди.

2015 йилнинг декабрида "Стандарт энд Пурс" ва "Фитч рейтингс" каби етакчи рейтинг агентликлари мамлакатимиз банк тизими фаолиятини яна бир бор "барқарор" сифатида баҳолагани соҳани янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланаётгани эътирофидир. "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги охирги олти йилда Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболини "барқарор" даражада тасдиқламоқда.

Тадбирда 2016 йилдаги инвестиция дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди. Дастурга мувофиқ жорий йилда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 164 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Давра суҳбатида, шунингдек, корпоратив бошқарув тизими, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар юзасидан фикрлашилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири



Наврўз – 2016

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ПАЛЛАСИ

Баҳор худди уятчан қизалоқдек бармоғини тишлаганча остонада жилмайиб турибди. Ҳадемай, у гўзал либосларга бурканиб, ширин ифор таратиб, юракларни энтиктириб кириб келади. Борлиқ уйғонади. Яшариш, янгиланиш фасли бошланади.

Тиниқиб ухлаган куртаклар шудрингга юз чаяди. Мажнунтолларнинг мисранг хивчинлари янги умид билан барг чиқаради. Майсалар кўкка бўй чўзади. Митти офтобчалар – момақаймоқлар бошларига олтинранг чамбараклар кияди. Рангин капалаклар хиром айлайди. Чумолилар зир югуриб, бир-бирини қутлайди. Мастона ялпизлар ифоридан шашт олган сув югуради тарошланган ариқ бўйлаб. Кекса тутлар юзларидаги ажинларни унутиб, ёшлигини хотирлайди. Бетийиқ шабадалар юзингизни силаб энтиктиради дилларни. Офтобнинг заррин нурлари қўзигулларга заъфарон ранг беради, ол ранг ато этади ял-ял ёнган қизғалдоқларга.

Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, қўнгилларга шодумонлик бағишловчи ардоқли байрамимиз Наврўздан илк мужда келтиради. Олам янгиланади. Зотан, Наврўз янги кун демакдир.

Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида Наврўзни шундай таърифлайди: "Наврўз... баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича, ҳайвонларда то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган". Улуғ бобомиз неча юз йиллик тарихга эга қадимги аждодларимиз ўтмишини тадқиқ қилганида битган бу сатрларни. Мана, неча асрлар ўтса ҳамки, Наврўзнинг моҳияти ўзгармади – аҳамияти, қадр-қиммати ўша-ўша.

Ҳадемай, яхши умидлар билан эртани кутиб, фарзандлар камолини кўриш, тўю-томошалар қилиш, Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз Наврўзга пешвоз чиқади. Наврўзда шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Дориломон кунларга етганимиз учун шукроналик ҳисси тошади қалбларимизда.

Наврўз – кун ва тун тенглашган, қоронғу хотиралар қисқариб, ёруғ умидлар узайган маҳал. Урф-одат ва анъаналаримизнинг ажралмас бўлаги, энг қадимий байрамимиз.

Наврўз – ўзининг маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга жо бўлган яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси.

Айёмни халқимиз ҳар йили кўтаринки руҳда, катта шодиёна билан нишонлайди. Осмон варраклар ва болалар қийқириғига тўлади. Қизлар кафтида эзилган ўсмаларга камон қошларда қайта жон инади. Буюк орзиқиш билан довча теради юкли келинлар. Тилларидан шукроналик тушмайдиган отахонлар офтобрўй гўшаларда гурунгни бошлаб юборадилар. Ёш-яланг, қиз-жувон боғ-роғларга, шаффоф шабадалар рақсу само қилаётган қир-адирларга ошиқади. Қозонлар қайнайди. Аскиядан бир-бирига сабоқ бераётган йигитлар қаққаҳаси, сирли пичирлашган қизларнинг шодон кулгуси янграйди. Дастурхонларга баҳорнинг тансиқ неъматлари, кўк сомсаю сумалаклар тортилади.

Наврўз маънавият, қадриятлар, урф-одат, анъаналар, меҳнат, меҳр-оқибат, саломатлик байрами бўлиши билан бирга халқ одобномасидир. Бу мўътабар айёмда турли низо ва адоватлар унутилади, кишилар қалбида шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик, саховат каби инсоний туйғулар яна ҳам туғён уради.

(Давоми 3-бетда)

СИФАТ СТАНДАРТИ – ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, халқаро сифат стандартлари асосида фаолият кўрсатишга бўлган эътибор туфайли маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратилмоқда. Бунда сифатни бошқариш тизимлари жорий этилаётгани алоҳида аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида мамлакатимизда сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш янада кенгайди.

– Мамлакатимизда сифатни бошқариш тизимларини жорий этган корхоналар сони икки мингга яқинлашди, – дейди "Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи Азиз Расулов. – Бу стандарт истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларнинг камайиши, ишлаб чиқарувчилар устидан сифат бўйича доимий назоратни амалга ошириш имконини беради.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Master delikates" масъулияти чекланган жамияти ISO 9001 сертификатига эга бўлгач, фаолияти янада ривожлана бошлади. Бир пайтлар 10 ходим билан кунига 200 килограмм гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлаган кичик цех бугун йирик ишлаб чиқариш корхонасига айланди.

– Давлатимиз томонидан тадбиркорларга янги технологиялар олиб киришда катта қулайлик ва имтиёзлар берилгани ривожланишимизга катта туртки берди, – дейди ЎзА мухбирига "Master delikates" масъулияти чекланган жамияти таъминот бўйича ижрочи директори Баҳодир Набихонов. – Замонавий технологиялар ишлаб чиқаришимиз кенгайиши, халқаро стандартларга мувофиқ фаолият юритишимизга олиб келди. Ҳозир юздан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонамизда кунига олти тоннагача ўнлаб хил колбаса ва гўшт маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ўтган йили 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Жорий йилда экспорт ҳажми бир неча баробар ошиши кутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига яқиндан кўмак бериш борасида "Ўзстандарт" агентлиги изчил фаолият кўрсатмоқда. Экспорт қилувчи корхоналарга, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш масалаларида кўмаклашиш бўйича ихтисослашган тузилмалар ташкил этилган.

Ишлаб чиқарувчиларга қулай шароит яратиш мақсадида агентликнинг барча ҳудудий марказларининг вебсайтларида корхоналар учун сифат тизимларини жорий этишга оид ҳужжатлар намуналари жойлаштирилган. Ушбу масалада тадбиркорлик субъектларидан онлайн ариза қабул қилиш йўлга қўйилган. Мурожаатларнинг интерактив қабул қилиниши уларнинг вақти ва маблағи тежалишига имкон бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тизимда стандартлаштириш соҳасидаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартишлар киритилди. Хусусан, ҳужжатларни экспертиза қилиш муддати 15 кундан 10 кунгача, давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 5 кундан 3 кунгача қисқартирилди. "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Республика товар хомашё биржаси ўртасида онлайн иш юритиш тизими йўлга қўйилгани сабабли тадбиркорлардан ортиқча ҳужжат талаб этилишига чек қўйилди.

Яратилаётган имкониятлар туфайли 2015 йилда 748 корхона халқаро стандартлар талаблари асосида сертификатлаштирилди.

Айни пайтда агентликнинг ўттизга яқин сифат тизимларини сертификатлаштириш идоралари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги халқаро миқёсда тан олинган.

"Ўзстандарт" агентлиги Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, Давлатлараро стандартлаштириш кенгаши ва Давлат метрологик муассасаларининг Евро-Осиё ҳамкорлигининг тўлақонли аъзоси.

Улар билан тузилган битимларга асосан 50 мингга яқин халқаро стандартлардан фойдаланиш имкони яратилган. Синов ва сертификатлаштириш, назорат ва экспертиза соҳасида йирик инспекция компанияси "Societe Generakde Surveillance" (SGS) билан имзоланган келишувга кўра озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари синов натижаларининг 140 дан ортиқ давлатда тан олинишига йўл очилди.

Сирдарё вилоятида Хитойнинг "Brass Industry Co.Ltd." компанияси билан биргаликда инвестиция ҳажми 800 минг доллар бўлган замонавий ускуналар билан жиҳозланган қурилиш материаллари ва электротехника маҳсулотларини синаш бўйича лаборатория фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда сертификатланган маҳсулотлар каталоги яратилмоқда. Унинг электрон қидирув тизимига киритилиши келгусида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади.

Норгул АБДУРАИМОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Марказий ҳарбий округнинг Жиззах вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Қуролли Кучлар резервига бўшатилган аскарларнинг бир гуруҳига олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Наманганда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари ходимлари ва журналистлар иштирокида "Фуқаролик жамияти ривожланишининг сон ва сифат ўзгаришлари: Наманган вилояти мисолида" мавзусида конференция ўтказилди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида ташкил этилган фото ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси "Гўзал диёрим менинг" деб номланди. Унда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом Турсунпўлат Ўроқов ва фото санъати устаси Розалия Байкованинг ижод намуналари намойиш этилди.

● Андижонда Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхонов таваллудининг юз йиллигига бағишлаб болалар мусиқа ва санъат мактаблари хор жамоалари ўртасида "Энг яхши мадҳия ижрочиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда 27 болалар мусиқа ва санъат мактаби хор жамоалари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Фиджи Республикасига шамол тезлиги соатига 230-300 километрга етиб, қирғоқ яқинида тўлқинлар 12 метр баландликкача кўтарилган "Уинстон" тропик тўфонининг хуруж қилиши оқибатида 20 га яқин киши ҳалок бўлди. Шунингдек, жойларда транспорт-коммуникация тизими, инфратузилмалар ва уй-жойлар вайрон бўлди. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли қутқарувчилар тегишли манзилларга бора олмаяпти.

● Январь ойида Буюк Британияда истеъмол товарларнинг савдоси 2015 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2,3 фоиз ошгани қайд этилди. Маълумотларга кўра, бу ҳолат маҳсулотларга чегирма бериш мавсумининг давом эттирилиши билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, ушбу даврда об-ҳавонинг пасайиб кетиши натижасида қишки кийим-кечак ва пойабзалларга талаб ортган.

● Британиялик таниқли дизайнер Тони Фишер дунёдаги энг йирик Рубик кубигини ясади. Унинг вазни 100 килограмм бўлиб, ён томонлари бир ярим метрдан иборат. Ушбу улкан "ўйинчоқ" одатдаги Рубик кубикларидан 20 минг марта катта. Дизайнер Гиннеснинг рекордлар китобига кириш учун ариза билан мурожаат қилишини билдирган.

Бугун мамлакатимизда илғор технологияларни ҳаётимизга изчил жорий этиш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратилиб берилаётганлиги кишини қувонтиради. Ҳозирги пайтда, катта иқтисодий самара берадиган, энергияни тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш масаласи ўта долзарб бўлиб турибди.

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Албатта, бу борада республикамизда етакчи олим ва мутахассислар кўплаб илмий ишлар олиб бормоқда. Ана шу каби ихтирочи олимлардан бири Неъматжон Захидов "Зинапояларни ёритиш автомати" инновацион лойиҳасини саноатда қўллаш устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Ушбу ишланма 2014 йил апрель ойида "Экспомарказ"да бўлиб ўтган "Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар республика кўргазмаси"нинг каталоги рўйхатига киритилган. Н.Захидов бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳар бир инсон кечқурун уйига қайтаётганда йўлакда чироқ ёнмаётганлиги ёки умуман ўчирилмаслиги муаммосига дуч келади. Бунинг қуйидаги вариантини таклиф этамиз. ЗЁА йўлакда одам борлигини қайд этувчи ускуна ишлаган вақтда ишга тушади ва бу билан электр энергиясининг оқилона сарфланиши таъминланади. Яъни, истиқомат қилувчи йўлак эшигини очганда, автомат йўлакнинг чироғини ёқади, чироқ 5 минут ёнади ва автоматик тарзда ўчади. Шу вақт давомида ўз хонадонига етиб келмаганлар учун автоматни қўлда ҳам бошқариш мумкин, бунинг учун ҳар бир хонадон эшиги олдида ўрнатилган тугма босилса, чироқ яна шунча вақт давомида ёниб туради.

Таклиф этилаётган ишланманинг жорий этилиши электр энергия сарфини 8-10 баробар камайтиради, бу фақат Тошкент шаҳри бўйича бир йилда 20 млрд. сўм атрофида энергия тежаш имконини беради.

Тошкент шаҳридаги бино йўлакларидаги чироқни ўз вақтида (кундузи) ўчирмаслик оқибатида тахминан 7.5 млрд. сўмлик электр энергияси исроф бўлар экан.

Ички бозор учун ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳа ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш шарти билан бирга янги иш жойларини ташкил этиш, импорт маҳсулотлари ўрнини босиш, кейинчалик МДҲ ва Осиё давлатларига экспортга чиқариш имконини беради.

"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси вакили Хамза Розметовнинг маълумот беришича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йиллар учун иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқ соҳаларида энергия ҳажмини қисқартириш, энергияни тежаш технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори билан белгилаб берилган иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва энергия сарфини янада қисқартиришнинг асосий устувор йўналишлари "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси томонидан ижро учун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июндаги "Энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси томонидан вазирликлар, муассасалар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналарда ва кўча ёритиш қурилмаларидаги барча чўғланма лампаларни энергия тежамкор лампаларга алмаштириш жадвалларининг бажарилиши юзасидан назорат олиб борилмоқда. Ҳар бир корхона ёки хонадон эгаси электр энергиясидан унумли ва самарали фойдаланишни ўйлайди. Корхона ёки хонадонда лампаларни светодиод лампаларга алмаштириш қуйидаги натижани беради.

Мисол учун: 40 Вт ли лампа ўрнига 7 Вт светодиод лампаси ўрнатилса:

40 — 7= 33 Вт — яъни 82 фоиз электр энергияси тежалади.

1 соатда 33 Вт электр энергияси тежалса,

1 кунда тахминан 8 соат х 33 Вт = 264 Вт электр энергияси тежалади.

1 ойда 264 Вт х 30 кун = 7920 Вт = яъни 7,9 кВт электр энергияси тежалади.

Бу истеъмолчининг бор йўғи 40 Вт ли бир дона лампани алмаштириш бўйича олинган натижа.

Энди буни истеъмолчида мавжуд лампалар сонига кўпайтирсак қанча бўлишини кўз олдингизга келтиринг. 100 Вт ли чўғланма лампани ўрнига қўйилсачи...

— Электр энергиясини тежаш йўлларини топиш мақсадида "Зинапояларни ёритиш автомати" инновацион лойиҳаси тажриба тариқасида пойтахтимизнинг А.Қодирий кўчасидаги 9 қаватли уйнинг йўлакларидан бирида ўрнатилиб, 3 ой давомида синовдан ўтказилди, — дейди олим Н.Захидов, — 2015 йилда мурожаатимга кўра "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ходими Х.Розметов томонидан ишланманинг мониторинги ўтказилди. Мониторинг пайтида ушбу уйда истиқомат қилувчилар билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг ускуна тўғрисидаги фикрлари ўрганиб, таҳлил қилингач, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси томонидан бу тажрибамга ижобий хулоса берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Зинапояларни ёритиш автомати" инновацион лойиҳасининг кўп қаватли уйлар йўлакларига ўрнатилиши, бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий тежамкор ускуналар билан жиҳозлаш, куннинг ёруғ ҳамда қоронғу пайтида ҳам электр энергиясининг беҳуда сарфига йўл қўймаслик, турар жойлар эксплуатациясини яхшилаш имконини беради.

З. ШАРИФЖОНОВ

Фармон ва ижро

ЮРИДИК КАДРЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини замонавий билимлар асосида юксалтириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча Адлия вазирлиги томонидан Юристлар малакасини ошириш марказида ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида иштирокчиларга бу ҳақда атрофлича маълумот тақдим этилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони асосида Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Юристлар малакасини ошириш маркази мана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Марказнинг асосий вазифаси — суд, адлия, адвокатура идораларининг вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан иборатдир, — деди жумладан тадбирда сўз олган Юристлар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров. — Бир сўз билан айтганда Марказда деярли барча юридик касб эгалари малака оширадилар. Илгари бу ерда йилига ўртача 800 нафарга яқин юрист кадрлар ўз малакаларини оширган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич қарийб 3000 нафарни ташкил этмоқда.

Тингловчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ўқув жараёнларига 200 дан ортиқ тажрибали амалиётчилар жалб этилган. Бу эса назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, илғор ўқув услубларини юридик таълимга изчил қўллаш имконини бермоқда. Айни вақтда ўқитиш жараёни "Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари" асосида олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир соҳада қонун устуворлигини, адолатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим сифатларидан бири бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясининг амалда таъминланишига замин яратади. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда Марказда судьяликка номзодлар ва судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган шахсларнинг билим ва маҳорати ҳамда касб кўникмалари оширилмоқда, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўтаётгани одил судлов тизимини юқори малакали кадрлар билан тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Марказда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг юристлари малакаси ҳам оширилади.

— Малака ошириш муассасамизда халқаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган, — дейди Марказнинг катта ўқитувчиси Алишер Тўйчиев. — Хусусан, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, ЮНОДС, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар, АҚШ, Германия, Венгрия, Словакия каби давлатларнинг таълим даргоҳлари билан алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. 2014 йилда эса Юристлар малакасини ошириш маркази Судьяларни тайёрлаш халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари бугун халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлаётгани аниқ мисолларда тилга олинди. Ушбу соҳадаги ишларнинг кўлами, кўлга киритилган ютуқлар ва мазкур йўналишларда келгусида амалга ошириладиган вазифаларнинг ечимлари ҳақида ҳам ахборот берилиб, иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТАЛАБАЛАР ҚОНУН МОҲИЯТИНИ ЎРГАНДИ

Миллий матбуот марказида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари: миллий ва халқаро тажриба" мавзуида анжуман ўтказилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан ташкил этилган тадбирда журналистика ва ижтимоий фанлар факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори И.Фозилжонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари таъминланаётганини таъкидлади.

Конституциямизнинг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Концепция асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни аҳоли, оммавий ахборот воситалари ва жамоат бирлашмаларининг бошқарув органлари қарорлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши тартиб-таомилларини белгилаб берди.

Анжуманда бугунги кунда давлат идоралари очиқлигини таъминлашда ахборот хизматларининг ўрни ва роли ҳақида сўз юритилди. Ахборот хизматлари ишининг самарадорлигини ошириш механизмларининг миллий ва халқаро тажрибаси ҳақида маърузалар тингланди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ФУҚАРОЛАР ОМОНАТЛАРИ — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Республикамизда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ва таркибий ўзгаришлар, хусусан, банк-молия соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотлар тизимнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилиш ва уларни ҳимоялаш кафолатларига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тушунтириш юзасидан ҳудудларда бир қатор анжуманларни ташкил этмоқда.

Ана шундай учрашувларнинг бири Республика марказий банки, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди, Банклар Ассоциацияси ва Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан уюштирилди. Унда пойтахтимиздаги банк муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, омонатчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши айниқса, катта аҳамиятга эгалигини таъкидлашди.

Қонун ҳужжатларида аҳоли ва тадбиркорлар учун омонат ва депозитларнинг янги турларини жорий қилиш, уни ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароит ва қулай имтиёзлар яратиш борасида зарурий чораларни амалга ошириш бўйича алоҳида вазифалар белгиланган.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисоб варақаларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланганлиги ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонун йўли билан таъминланганлиги аҳолининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмининг сезиларли ошишида муҳим роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш керакки, марказий банк томонидан бу борада аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат — банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестиция имкониятларини янада кенгайтириш учун ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш айниқса муҳимдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан аҳоли учун қулай ва манфаатли бўлган 40 дан ортиқ миллий ва чет эл валютасида омонат турлари жорий қилиниб, умумий ҳисобда аҳолига таклиф этилаётган омонатлар сони 250 тадан ошди.

Омонатларнинг талаб қилиниши билан берилиши ва белгиланган муддат тугаши билан қайтарилиши мижозларнинг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда, натижада тижорат банкларининг депозитларига қўйилаётган маблағларнинг миқдори охирги беш йилда 3,6 маротабага, 2015 йилда эса 28 фоизга ошган.

Бугунги кунда банкларда барча амалиёт бир жойнинг ўзида амалга оширилиб, интернет тармоғи орқали интерактив хизматлар кўрсатишнинг йўлга қўйилгани мижозлар учун бир қатор қулайликлар яратиб, ортиқча вақт ҳамда харажатларни тежаш имконини берди.

Ҳозирги кунда республикамизда муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 16,3 млн. донадан ортди, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 183 минг 60 тага етди.

Тадбирда соҳага доир Президент Фармони ва Қарорларида белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши банк тизимида ишбилармонлик муҳитининг тубдан яхшиланишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улуши янада ортишига, янги иш ўринлари яратилиши ва албатта, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилиши қайд этилди.

Анжуманда иштирокчиларга уларни қизиқтирган барча масалалар юзасидан батафсил маълумотлар берилди. Марказий банк томонидан бу каби амалий учрашувлар республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Ш.ЗОКИРОВ

Транспорт

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Инсоннинг узоғини яқин қилиш ҳам савоб ишлар сирасига киради. Шаҳримиздаги "5-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти жамоаси бу борада намунали фаолият кўрсатаётган автокорхоналар сирасига киради.

Автокорхона таркибида 75 та замонавий автобус бўлиб, улар 6 та йўналиш бўйича ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йил давомида корхона томонидан кўрсатилган фаолият натижаларига назар ташласак автосаройнинг ютуқлари кўзга ташланади. Чунончи, 2015 йилда автосарой томонидан жами 10 миллиард 994,7 миллион сўм даромад олинди ёхуд бу борадаги прогноз 101,9 фоизга бажарилди. 2014 йилга нисбатан таққослаганда даромаднинг ошиши даражаси 21,6 фоизни ташкил этди (бу кўрсаткич 2 миллиард сўмда ифодаланади).

Йўловчиларни ўз масканларига хатарсиз элтиб қўйиш борасида ҳам яхши натижаларга эришилди — йил якунларига кўра автосарой ҳайдовчилари томонидан 14 миллион 530,8 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу прогноз кўрсаткичлари 100,8 фоизга бажарилди, демакдир.

Бу борада Исматулла Ганиев бригадирлиги остидаги 110-йўналишда 24 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Мирзоҳид Мирсолиҳов, 22 йиллик стажга эга Абдужаҳпар Шодиев, Собир Ҳашимов етакчилик қилаётган 101-йўналиш бўйича қатновчи 26 йиллик стажга эга Комил Йўлдошев, 25 йилдан буён фаолият олиб бораётган Зуфар Анаргулов ва Тўлқин Нишонқуловлар корхонанинг фахри ҳисобланади.

— Ҳайдовчи ва кондукторларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари учун маъмурият томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди "5-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти директори Шоҳруҳ Каримов. — Жумладан, ҳар куни автобуснинг йўналишга чиқиши олдидан ҳайдовчи ва кондуктор тиббий, автобус эса техник кўрикдан ўтказилади. Ҳайдовчи ҳамда кондукторлар тегишли иш кийими билан таъминланади. Автосаройда ҳайдовчиларнинг дам олиш хонаси мавжуд. Яқинда барча хоналар ва ошхона таъмирдан чиқарилди.



Яхши дам — меҳнатга ҳамдам дейишади. Ходимлар бўш вақтларида ва меҳнат таътиллари пайтида "Автомобилчи" соғломлаштириш оромгоҳи қошидаги дам олиш зонасида, шунингдек, касаба уюшма қўмитаси кўмагида республикамиздаги санаторийларда ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Ёзги таътил пайтида эса уларнинг фарзандлари "Транспортчи авлод", "Автомобилчи" оромгоҳларида яйраб-яшнаб, чиниқадилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СОЛИҚ КОДЕКСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Солиқ сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишларида ўтган йилларда бўлгани каби тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига солиқ юкини янада камайтиришга, имтиёзлар кўламини кенгайтиришга ва солиқ солиш механизмини соддалаштиришга қаратилган солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, қонунчиликни мувофиқлаштириш мақсадида Солиқ кодексининг 179-моддаси 34-банд билан тўлдирилиб, унга кўра акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солинмайдиган даромадлар таркибига киритилди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 308-моддасининг иккинчи қисми тўртинчи хатбоши билан тўлдирилиб, акциядорлик жамиятларининг бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган чет эллик мутахассисларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмаслиги белгиланди.

Акциядорларга давлат божини тўлаш муддатининг кечиктирилиши юзасидан Солиқ кодексининг 337-моддаси, акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятидан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда уларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади, деган мазмунда йигирма еттинчи қисм билан тўлдирилди.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексига киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар республикамизда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг янада ривожланишига замин яратади.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ПАЛЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан ва шаклан бойиди. Президентимиз Ислом Каримов ҳали собиқ тузум ҳукмрон бўлиб турган пайтларда ўзликни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва давом эттириш, жамиятимизда дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Ана шундай халқчил сиёсат самараси ўлароқ 1990 йилдан 21 март юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг тантана қилиб келинаётир. Бу борадаги қарорнинг қабул қилиниши юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, муҳим воқеа бўлганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу шунчаки кун эмас, балки Наврўзнинг ҳаётимизга, қалбимизга, халқимизга қайтган куни бўлди.

...Эсаётган баҳорий елларда ишқаланаётган кафтнинг товуши, эндигина уйғониб, бедорликка шайланаётган одамнинг безовталиги бор. Зеро, майин сабо, юксалиб, тик келаётган қуёш шуурда ҳаракатга, меҳнатга тараддуд уйғотади.

Наврўз нафақат табиатга ошуфталик айёми, балки ризқ-рўз байрами ҳамдир. "Ҳамал кирди – амал кирди", дея бободеҳқонлар кўкламги юмушларга киришади. Ерга дон сепиб, ниҳол экишади. Ариқ-зовурларни тозалаб, боғ-роғларга шакл беради.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий Наврўзнинг фазилатини, ҳавосининг жонбахшлигини, ушбу айёмда киши руҳининг енгил тортиб, парвозланишини таъкидлаган:

Эй юзуна боғи насимида
ҳавойи Наврўз,
Лаъл тожинг бўлуб ул боғда
бўстон афрўз.

Бошқа шеърида буюк шоир Наврўзни қутлуғ, шодиёна кун сифатида тилга олади. Бундай талқин севгида садоқат ва вафо кўрсатган маъшуқа шаънига энг эзгу истаклар билдирилаётган ошиқ тилидан битилган мисраларда равшан юзага чиққан. Ошиқ вафодор ёрнинг ҳар бир туни орзу-умидлар ушаладиган, мушкулини осон қилиб, мурод-мақсадига етказадиган қутлуғ қадр кечаси, ҳар бир ёруғ кунининг эса ҳаётбахш Наврўз бўлишини хоҳлайди:

Зулфу рухсор ила коминга
мени еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон ҳар
кунинг бўлсун Наврўз!

Ҳа, халқимиз эзгу юмуш, янгилик билан бошланган ҳар бир кунини Наврўз деб билади. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан янгиланишларга, бунёдкорлик ишларига баҳолиқудрат ҳисса қўшишга интилади. Инчунин, юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, ёшларимизнинг оташ нафасини ҳис қилиш мумкин.

Баҳорда табиат уйғонишининг болалик – беғуборлик, руҳий поклик, жисман ва маънан соғломлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис этамиз. Халқимиз бежизга ёшликни умр баҳорига менгзамайди.

Йилнинг қандай келиши баҳорнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, мамлакатимиз келажаги, тараққиётини бугун катта ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган навқирон йигит-қизларимиз тимсолида кўрамиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида мана шу орзу мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизнинг бош омилидир.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани ҳам фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдек азалий эзгу орзуларимиз ифодасидир.

Наврўз нафақат оламга, балки руҳимизга-да янгиланиш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан баҳорда табиатнинг бир бўлаги эканимизни яна бир бор англаймиз. Юртимизнинг жаннатмонандлиги, осмонимизнинг мусаффолиги, Ватанимиз тинчлиги учун шукроналик ҳисси тошади кўнгилларимизда. Эзгулик ва гўзаллик тимсоли – баҳор кириб келмоқда юртимизга...

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси



Ислом Исмоилов олган сурат

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА

Айни кунларда пойтахтимизда қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилган Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида маданий-маърифий тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилиб келинмоқда.

Миробод туманида жойлашган 1-Маданият ва аҳоли дам олиш марказида бўлиб ўтган "Назм ва наво" мавзуидаги тадбир ҳам шулар жумласидандир. Унда маҳалла фаоллари, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, корхона ва ташкилот ходимлари иштирок этди.

Тадбир доирасида ўзбек адабиёти ва маданиятининг юксалишига улкан ҳисса қўшган, шеърият ва ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишланган ижодий чиқишлар барчага бирдай манзур бўлди.

Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёр ва актрисалари томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, шоирлар томонидан ижро этилган ғазаллар, рубоий ва достонлардан парчалар концерт дастурининг мазмун-моҳиятини янада оширди берди.

Мазкур маданият уйи қошида турли йўналишдаги бадиий жамоалар, студия ҳамда тўгараклар фаолият юритмоқда. Жумладан, миллий ва анъанавий чолғу ижрочилиги йўналиши, қўшиқчилик, рақс ва тасвирий санъат тўгараклари шулар сирасига киради.

— Марказимизда доимий рукнлар асосида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда, элимиз севган санъаткор ва адиблар билан давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам ташкил этилади. Ходимлар ва бадиий жамоа иштирокчилари туман, шаҳар ва Республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда, давлат ва умумхалқ байрамларини ўтказишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар, — дейди 1-Маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Абдуқаюм Акбаров. — Қолаверса, аёллар ва қизлар учун бекалик сирлари, бичиш-тикиш, тўқувчилик ва дизайн каби ўқув курслари ташкил этилган.

Дарҳақиқат, бу каби маданият ва аҳоли дам олиш марказлари аҳоли ўртасида маданий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш билан бирга, ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб етишишига хизмат қилади.

Зафар НАЗАРОВ

Тадбирлар

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Тошкент молия институтида "Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Юнусобод туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Тошкент ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Инсонларнинг ҳаётда маънан, руҳан, жисмонан тайёр бўлиши, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари жуда муҳим. Тадбир ёш авлоднинг дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатни шакллантириш, фаол фуқаролик, фидойилик ва ватанпарварлик туйғусини камол топтириш мақсадида ташкил этилди.

— Жиноятчилик, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда энг катта глобал муаммога айланди, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — Мазкур муаммоларнинг шунчаки йўқ қилиниши эмас, керак бўлса илдизи билан суғуриб ташлаш, соғлом муҳитни барқарор таъминлаш энг олий мақсадларимиздан биридир.

Тадбир давомида "Диний экстремистик оқимларнинг Ўзбекистонга таҳдиди. Уларнинг кўринишлари, мақсад ва ғоялари", "Диний экстремизм, ақидапарастлик оқимларининг бузғунчилик фаолияти ва ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш", "Глобаллашув жараёнида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш" мавзуларида маърузалар тингланди.

Ташкил этилган тадбир давомида ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, юрт тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, уларнинг иймон-эътиқодига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва тушунчага нисбатан курашчанлик муҳитини яратиш муҳимлиги ҳақида батафсил тушунтириб ўтилди. Мамлакатимизда мавжуд ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини кўришда таълим муассасалари талаба-ёшларининг ўзлигини англашда, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келмаслигида бу каби учрашув, давра суҳбатларининг аҳамияти катта.

Давра суҳбатида талаба-ёшларга намойиш этилган ҳужжатли фильм уларни огоҳ бўлишга, дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундади.

Зиёда РАСУЛОВА

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Юртимизнинг истиқболи, эртанги куни келажак авлод қўлида. Бугунги кунда ёшларга юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Уларнинг юқори марраларга эришиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Ҳозирда бир қатор мамлакатларда аср вабоси деб аталмиш гиёҳвандлик балоси ёшларни ўз домига тортаётгани ачинарли ҳол. Шу ўринда айтиш керакки, бу иллат ёшларимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган "Гиёҳвандлик – аср вабоси" мавзуидаги тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Гиёҳвандлик бугунги кунда ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ачинарлиси эса у аксарият кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётир. Гиёҳвандлик касофатидан ер юзида миллионлаб инсон ҳаёт билан эрта видолашиши ҳамда оилалар бузилиб кетиши, жиноятга қўл уриш ҳолатлари кузатилмоқда.

Тадбирда гиёҳвандликка қарши курашиш бош бошқармаси, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ходимлари гиёҳвандлик инсон умри заволи эканлиги, барчамиз огоҳ бўлган ҳолда атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бевосита дахлдор эканлигимизни англашимиз ҳамда ўз вақтида чора-тадбирлар кўришимиз лозимлиги ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

Тадбир якунида эса гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари, унга йўлиққанларнинг қисмати акс эттирилган фильм намойиш этилди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёш авлодни, қолаверса, ҳар биримизни огоҳликка чақиради.

Наргиза КАРИМОВА

ҲАЙДОВЧИ ВА ПИЁДА МАДАНИЯТИ

Тезкор замонда, юксак ривожланган техника ва технологиялар асрида яшамоқдамиз. Замона зайлига мослашиш бор. Уйда, кўчада, иш жойимизда, таълим муассасаларида, боринг-ки ҳамма - ҳамма жойда бизга техника воситалари яқин кўмакчи эканлигини яққол кўришимиз мумкин. Эрта тонгда хизматга, ўқишга ёки бошқа юмушлар билан жамоатчилик сафига қўшиламиз. Уйдан кўчага чиқдикми, ҳаммамиз йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Йўлда эса йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишимиз шарт.

Атрофда равон кўчалар, кўприклардан ўтиб қайтаётган турли русумдаги автотранспорт воситаларининг оқими бир зум тўхтамайди. Уларни тартибга солиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органларининг тегишли хизматлари ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан ташкилот, корхона ва меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ўртасида профилактик тадбирлар олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғиботташвиқот ишларини ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганлиги ҳамманинг кўз ўнгида содир бўлмоқда десак хато қилмаймиз.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ушбу ҳолат билан боғлиқ қоидабузарликларнинг олдини олиш учун тизимда замонавий технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Йўл ҳаракати қоидаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мақсад йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омилларни камайтиришга қаратилган.

Пойтахт ўз номи билан пойтахт. Аҳолиси, республикамизнинг турли вилоятларидан келган юртдошларимиз, чет мамлакатлардан келган меҳмонлар, элчихоналар вакиллари, сайёҳлар, турли фирма, компанияларнинг шу ерда ишлаётган ходимларининг бари ҳаракат иштирокчиси бўлиши мумкин. Албатта серқатнов кўчаларда доим ҳамманинг иши тиғизлигидан қаёққадир шошилаётганлигини кўрамиз.

Натижада автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан ташқари йўлларда ҳаракатланаётган пиёдалар, баъзи йўловчиларнинг қўполлиги, эътиборсизлиги оқибатида афсуски ўзаро келишмовчиликлар чиқиши ҳам бизга таниш. Бу кўриниш аксарият ҳолларда кишиларнинг кайфиятига салбий таъсир этади, асаббузарликларга сабаб бўлади.

Бунинг бош сабабчиси эса айрим автотранспорт ҳайдовчиларининг, пиёдалар ва йўловчиларнинг ўзлари эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Улар биринчи навбатда йўл ҳаракати қоидаларига риоя этсалар, ҳайдовчи, пиёда ва йўловчиларда бир-бирига ўзаро ҳурмат бўлса, йўлларда ҳаракатланиш орқали ўзларини маданиятли инсон эканликларини кўрсата олсалар, ўйлаймизки баъзида учраб турадиган бундай кўнгилхираликлар албатта янада камайган бўлар эди.

Чунки, шошилинчда айрим транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ёки пиёда йўловчилар йўлда ҳушёрлик ва огоҳликни ошираётганликларини рўкач қилиб, ўрни келса бирбирларига йўл бермасликлари, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда ўзлари буза туриб яна ўзаро ўдағайлашиб, ўзларининг қўштирноқ ичидаги "маданиятларини", аслида ким эканликларини намойиш этадилар.

Албатта ҳар хил одам бор. Уларнинг даражалари ҳам турлича. Бироқ, Йўл ҳаракати қоидалари ҳамма учун бир, кўчадаги автотранспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиб турган йўл чироғи, светофорнинг ҳаракатини ахир ёш бола ҳам билади-ку. Ҳамон шундай экан, барча ҳайдовчилар, пиёдалар, йўловчилар ва болалар йўл ҳаракати қоидаларига бошқача қилиб айтганда ҳаракат хавфсизлиги маданиятини таъминлашда фаол иштирок этишлари зарур.

Бироқ, ҳали-ҳануз баъзи ҳайдовчиларнинг қизил чироқ ёниб турганда ўтиб кетишлари, бурилаётганда ёки тўхтаётганда тегишли чироқларни ёқмасликлари, олдинда кетаётган транспорт воситасига йўл беришини сўраб тўхтовсиз равишда сигнал чалиб, атрофга шовқин-сурон солишлари, бошқаларнинг асабига тегиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг норозилигига сабаб бўлади. Тирбандликларни вужудга келтиради.

Бундай ҳолатларни шаҳримиздаги Қўйлиқ бозори, Чилонзор буюм бозори, Сергели туманидаги автомашиналар бозори атрофида, Жанубий вокзал жойлашган ҳудуднинг автотранспорт воситалари қатнайдиган йўл қисмида ва бошқа серқатнов чорраҳаларда кўриш мумкин.

Бошқа бир мисол, аҳолининг узоғини яқин қилаётган айрим такси ҳайдовчилари ҳам йўловчи олиш мақсадида истаган ва тўғри келган жойда тўсатдан тўхташи ҳамиша кутилмаган фавқулодда ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйламасликлари ҳам уларнинг йўлда юриш маданияти қай даражада эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, улардан баъзилари жамоатчилик транспорти тўхтайдиган бекатда истаганча тўхтаб, йўловчи олгунича бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига халақит бераётганини билсада пинагини бузмайди. Аксинча "айланиб ўтавермайсанми", – деб иддао қилиб, маслаҳат ҳам бериб қўяди.

Яна баъзи бир ҳайдовчилар эса ҳаракатланиб кетаётган автотранспорт воситаси салонида мусиқани баланд қилиб қўйиб қўшиқ "оғушида" атрофни эшитмайдилар. Натижада ҳар хил кутилмаган вазиятлар содир бўлмайди деб ким кафолат бера олади?

Шундай пиёдалар ҳам борки йўлни кесиб ўтаётганда ҳам тинмай қўл телефонида гаплашади, қоидага риоя этмаётганлигини билсада ҳаракатланишни давом эттиришлари ҳайдовчиларнинг асабига тегади, натижада у кетма-кет сигнал чалади, шовқин кўтаради. Бошқа бир йўловчиларнинг хурмача қилиқлари бундан ҳам ошиб тушади, улар қулоқларига мусиқа тинглаш мосламаларини ўрнатиб автотранспорт ҳайдовчиларини эшитмай, турли чақириқларни писанд қилмай ўтиб боравередилар.

Дарҳақиқат йўллар кўп. Автотранспорт воситалари ундан зиёд. Ҳар бир ҳаракатни назорат қилиш ўзига хос мураккаб жараён. Кўчада ҳаракатланиш вақтида содир этилаётган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига айрим ҳайдовчилар, йўловчиларнинг сабрсизликлари, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари, бир-бирларини менсимасликлари, беҳурмат қилишларидан келиб чиқади. Бундай нохуш ҳолатларни камайтириш нафақат ички ишлар органлари ходимларига, балки ҳар бир йўловчи, ҳайдовчининг ўзига, ўзини назорат қила билишига боғлиқ. "Ҳурмат қилсанг иззат кўрасан", — деб бежизга айтишмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси раҳбарияти томонидан юқоридаги ҳолатларга жиддий эътибор бериб автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳамда ҳайдовчилик маданиятини ошириш мақсадида тегишли профилактик ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ушбу йўналишларда турли телеканаллар орқали кўрсатувлар, видеороликлар, эшиттиришлар бериб борилмоқда.

Шуни таъкидламоқчимизки, модомики, гап ҳаракатланиш маданияти ҳақида кетар экан кўчада йўловчилар, пиёдалар ва ҳайдовчилар ҳамда болалар томонидан Йўл ҳаракати қоидалари тўғрисидаги билимлар ва ҳаракатланиш маданиятини эгаллаш ўзаро уйғунликда олиб борилса, ҳар бир инсоннинг инсоний ҳурмати бўлса ижобий натижага, тартибга эришиш мумкин бўлади.

Бунинг учун эса йўлларда ҳаракатланишда айрим ҳайдовчи ҳамда йўловчилардаги қўпол иллатларни бартараф этишда барча фуқаролар бир тану бир жон бўлиб ўрнатилган тартиб-қоидаларга, ахлоқ-одоб, маданият нормаларига риоя этиб ҳаракатланишлари кўзланган мақсад сари олиб боради.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Собир Тўраев ўзининг таниши Наримон Қаҳҳаров билан биргаликда ноқонуний йўл билан талайгина пул ишлаб олишни ният қилишди. Улар 2015 йил бошларида Чилонзор туманида жойлашган "Корзинка" савдо мажмуасига қарашли автомашиналарнинг вақтинча тўхташ жойида фуқаро Э. Яшнаровага 17 минг 500 АҚШ долларини "қора бозор" нархида 64 млн. 750 минг сўмга сотаётган вақтда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сергели тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида далилий ашёлар билан ушланган.

С.Тўраевнинг айтишича, Э. исмли киз билан телефонда танишиб, бир неча кун суҳбатлашиб юрган, қизга доллар керак бўлиб қолгач, таниши — валюта билан шуғулланувчи Наримонга қўнғироқ қилиб, 18 минг доллар топиб беришни айтади. Шеригига "қора бозор" нархида доллар сотиб, озгина пул ишлаб оламиз, деб шипшиган...

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди судланувчиларнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисмининг "б", "в" бандлари, яъни "бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиб-сотиб ва ўтказиш"да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблаб, С.Тўраев ва Н.Қаҳҳаровга энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади.

Дилмурод ТЕМИРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментнинг Сергели тумани бўлимининг катта инспектори

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

МУМТОЗ МУСИҚАЛАРДА — МИЛЛИЙЛИГИМИЗ АКСИ

Мамлакатимизда мусиқа санъатини янада тарғиб этиш, халқимиз қалбидан жой олган миллий куй ва қўшиқларимизнинг оммавийлигини ошириш, мумтоз ва эстрада куйларимизни сайқаллаштириш ҳамда замонавий мусиқа санъати билан уйғунлаштириш борасида жуда кўплаб тадбирлар, танловлар ва концерт дастурлари уюштирилмоқда.


Темур Мамадаминов олган суратлар

Буларнинг негизида асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маданий меросимизни қадрлашга ва шу орқали миллийлигимизни уйғунлаштирган ҳолда янги-янги мусиқий асарлар яратишга замин яратилади.

"Истиқлол" санъат саройида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги, Алишер Навоийнинг 575 йиллиги ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхоновнинг 100 йиллиги муносабати билан "Назм ва наво" деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Концерт Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ва бошқалар миллий мусиқа санъатини ривожлантириш, мумтоз куй, қўшиқларимизни асраб-авайлаш, аждодларимиз томонидан яратилган нодир маданий меросимизни, анъаналаримизни ёш авлодга етказиш, санъаткорлар меҳнатини қадрлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб бориш, рағбатлантириш ҳамиша давлатимиз эътиборида эканлигини таъкидлади.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларидан парчалар ўқилди, улуғ аждодларимиз, уларнинг бебаҳо мероси, дунё адабиётидаги юксак ўрни, ёшлар тарбиясидаги ўзига хос аҳамияти ҳақида қизғин фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Концерт дастурида буюк мутафаккир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари асосида яратилган куй ва қўшиқлар эл севган санъаткорлар, эстрада хонандалари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари томонидан маромига етказиб ижро этилди.

– Халқимизнинг нодир меросига айланган мумтоз куй ва қўшиқларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, баркамол авлодга безавол етказиб бериш, мусиқа орқали ёшларнинг маънавий савиясини юксалтириш, ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейди Ёшлар маданият ва санъат маркази давлат унитар корхонаси матбуот котиби Фарруҳ Юнусов.

— Бундай концерт дастурлари, халқимизнинг бой миллий маданиятини тарғиб этиш, оммалаштириш билан бирга, ёшларни ушбу йўналишга бўлган қизиқишларини ўстириб, мусиқа санъатини севишга ва қадрлашга чорлайди.

Дарҳақиқат, мумтоз куй-қўшиқларимиз замирида инсонларни руҳий покликка етаклайдиган, қалбини иймон-эътиқод нурлари билан чароғон этадиган, қалбига гўзаллик ва ором бағишлайдиган мезон мавжуд.

Мазкур концерт дастури ҳам халқимизни эзгуликка, яхшиликка, гўзаллик ва покликка даъват этиб, қадриятларимизни қадрлаб яшашга хизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Спорт янгиликлари

Таэквондо бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва катталар терма жамоаси аъзолари Анталия шаҳрида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этишди.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Дунёнинг элликдан зиёд давлатлари вакиллари иштирок этган мусобақада Жасур Бойқўзиев, Никита ва Максим Рафалович, Темурбек Ўролов, Валентин Хегай сингари тажрибали спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Ҳамюртларимиз орасида 74 килограмм вазнда иштирок этган Никита Рафалович барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. У финал беллашувида Беркан Сунгуни мағлуб этди. 80 килограмм вазнда қатнашган Максим Рафалович эса финалда мезбон Юнус Сарига имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, яна бир тажрибали спортчимиз жаҳон вице-чемпиони Жасур Бойқўзиев (87 кг.) ҳам кумуш медални қўлга киритди. Жасур финал беллашувида Аҳмад Муҳаммадга ютқазиб қўйди.

Қизларимиздан Светлана Осипова, Мадинабону Маннопова ҳам финалга қадар мағлубиятсиз бориб, кумуш медалга эга бўлишди. Гўзал Норбобоева, Нигора Турсункулова ҳамда Чарос Қаюмовалар эса бронза медали билан тақдирланишди.

ИҚТИДОРЛИ ШАХМАТЧИЛАР САРАЛАНДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 8, 10 ва 12 ёшли болалар ўртасида мамлакат чемпионати беллашувлари ўз якунига етди.

Республикамизнинг барча ҳудудларидан келган ёш, иқтидорли шахматчилар бир неча кун давомида ўзларининг маҳоратларини намойиш қилишди.

Кутилганидек, ўғил болалар ўртасида жаҳоннинг кучли саккиз нафар ёш шахматчилари қаторидан ўрин олган ака-ука Жавоҳир (12 ёш) ва Исломбек (10 ёш) Синдоровлар юртимизда ҳам тенгсиз эканликларини исботлай олишди. Энг кичик 8 ёшли шахматчилар ўртасида Ҳумоюн Бегмуродовнинг қўли баланд келди.

Қиз болалар ўртасида кечган баҳслар ҳам муросасиз кечди. Унда бир қатор халқаро турнирлар иштирокчилари Юлия Хегай, Мафтуна Бобомуродова ҳамда Афрўза Ҳамдамова чемпионликни тантана қилишди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИЛАР

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилади.

2007 йилдан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган "Камолот" шахмат тахтаси" мусобақаси ёш ҳаваскор шахматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал спортга дадил қадамлар билан кириб келишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежида "Камолот" шахмат тахтаси" анъанавий республика турнирининг Миробод туман босқичи ўтказилди.

Турнирда турли ёш тоифалари бўйича ғолиблар аниқланиб, шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

* * *

"Камолот" шахмат тахтаси" республика турнирининг Бектемир туман босқичи 289-умумтаълим мактабида ўтказилди.

Мусобақанинг қуйи босқичлари январь-февраль ойларида ўтказилиб, унда тумандаги 5 та умумтаълим мактаби, 2 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 415 нафар ўқувчилари беш ёш тоифаси бўйича қатнашди.

— Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида "Камолот" ЁИҲ томонидан турли хил спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Сабоҳат Пўлатова. — Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Камолот" шахмат тахтаси" турнири ёшлар ўртасида қизиқиш уйғотиб, иштирокчилар сони йилдан йилга ошмоқда.

Мусобақа мамлакатимизда шахмат спортини янада кенгроқ тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш, қадимий ақл-идрок ўйини саналган шахмат санъатини маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва маданий спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ўтказилди.

Мусобақанинг шаҳар босқичига 10 нафар ёш шахматчилар йўлланмани қўлга киритдилар. Ана шундай ғолиблардан бирини суҳбатга чорладик.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча жабҳада кенг имкониятлар яратилгани боис, юртимиздан кўплаб чемпионлар етишиб чиқаётгани қувонарли ҳолдир, — дейди Тошкент шаҳридаги И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети филиали қошидаги ихтисослашган академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси Акмал Ҳасанов. — Шахмат ақлни чархловчи спорт тури ҳисобланади. Бу каби мусобақаларда иштирок этишимиз аввало фикр алмашиш, дўстлар орттириш имконини беради.

Ташкилотчилар томонидан мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчиларга турли номинациялар бўйича фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида ёш ижрочилар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Зарина РУСТАМОВА

Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоасини яна жиддий учрашувлар кутиб турибди.

САФАРДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Маълумки, терма жамоамиз 24 март куни Филиппин, 29 март куни эса Баҳрайн терма жамоасини 2018 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳамда 2019 йилда уюштириладиган Осиё Кубогига саралаш турнири иккинчи босқичи гуруҳ учрашувларида қабул қилади.

Шу боис ҳам муҳим баҳсларга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида миллий терма жамоамиз БААнинг Дубай шаҳрида ўқув-машғулот йиғинида иштирок этди. Машғулот доирасида Самвел Бабаян шогирдлари Ливан терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашишди. Ўйинда устунликка эришган ҳамюртларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Рақиблар дарвозасини Элдор Шомуродов ва Сервер Жепаров (пенальти) аниқ нишонга олишди.

Албатта, ушбу баҳс терма жамоамиз учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

ЖАМОАДА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Жорий йилги футбол мавсумини олий лигада ўтказадиган Тошкентнинг "Обод" жамоаси айни кунларда БААда ўқув-машғулот йиғинида иштирок этмоқда.

Ўз вақтида миллий терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилган, "Трактор", "Пахтакор", "Навбаҳор", "Локомотив", "Машъал" ва "Шўртан" командаларида ўйнаган маҳоратли ҳужумчи Павел Соломин энди "Обод" таркибида тўп суради. Шунингдек, ўтган йили "Сўғдиёна" сафида ўйнаган дарвозабон Михаил Спиридонов ҳам "Обод" таркибидан ўрин эгаллади.

Қисқа қилиб айтганда пойтахтимизнинг ҳар бир жамоаси жорий мавсумда шунчаки қатнашиш эмас, аксинча ўз мухлислари кўнглини шод этишни ўйламоқда.

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Жорий йилги футбол мавсумига пойтахтимизнинг етакчи жамоалари — "Пахтакор", "Локомотив", "Бунёдкор" ва "Обод" жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

Тошкентдаги машғулот йиғинлари доирасида амалдаги чемпион "Пахтакор" Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси билан ўртоқлик баҳсида куч синашди. Кескин ва муросасиз курашлар остида кечган учрашув 0:0 ҳисобида якунланди.

"Локомотив" жамоасининг сафига янги футболчи қўшилиши мумкин. Дубайдаги машғулотларда руминиялик Флорин Константин Костя "Локомотив" сафида ҳаракат қилди. Ҳужумчи амплуасида ўйнайдиган, Флорин Костянинг ҳаракатлари мураббийларга маъқул келса у темирйўлчилар таркибига қўшилиши мумкин. Шунингдек, "Локомотив" Дубайдаги машғулотлар доирасида Хитой супер-лигаси вакили "Ханжоу Гринтаун" клуби билан ўртоқлик ўйинида куч синашиб 3:0 ҳисобида зафар қучди. Темурхўжа Абдуҳолиқов, Санжар Шоаҳмедов, Сардор Мирзаев голларга муаллифлик қилишди.

Шунингдек, Хитойнинг "Тяньцзинь Теда" клуби билан уюштирилган ўртоқлик баҳсида "Локомотив" жамоаси 1:1 ҳисобидаги жанговар дурангни қайд этди. "Локомотив"-дан Марат Бикмаев хитойликлар дарвозасига гол киритди.

Яна Хитойнинг "Чанчунь Ятай" клуби билан ўтказилган ўртоқлик баҳсида темирйўлчилар рақиб дарвозасига йўл топа олишмади ва беллашув 0:0 ҳисобида якунига етди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШЛАР ЭКОЛОГИК БИЛИМИНИ БОЙИТМОҚДА

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда долзарб экологик муаммолар ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни асраш, бугунги ва келажак авлод учун мусаффо табиий муҳитни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни уйғун ривожлантириш, экологик тизим, табиий комплекс ва алоҳида объектларни муҳофаза этиш, фуқароларнинг қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилингани ҳам бунинг тасдиғидир. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани қайд этилди. Айни пайтда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Талабаларга жаҳон ва мамлакатимиздаги жорий экологик вазият, глобал экологик муаммоларнинг табиат мусаффолиги ва инсон саломатлигига салбий таъсирини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар хусусида атрофлича сўзлаб берилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати амалга ошираётган қатор йирик лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. 2015 йилда ушбу жамоат тузилмаси томонидан табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш соҳасидаги давлат дастурларининг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ва ахборот-тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича 900 дан ортиқ амалий-таҳлилий тадбир ташкил этилди.

Давра суҳбатида талабаларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

КОМИЛЛИККА УНДОВЧИ БАҲСЛАР

Тошкент давлат юридик университетида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Мунозара" турнирининг ички якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда "Legist" ва "Fan" жамоалари ўзаро баҳслашди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ўқиб-изланиши, ўзи истаган касб эгаси бўлиши, эркин ижод қилиши, муҳими, катта ҳаётга дадил кириб бориши учун кенг имкониятлар яратилган.

Бу имкониятлар ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланаётган ёшлар мазкур билимлар баҳсида ҳам ўз истеъдодини намойиш этди.

Университетнинг қирқ бир жамоаси орасидан сараланган ёш ҳуқуқшунослар нафақат ўз соҳаси, балки бугунги глобаллашув жараёнлари, электрон жамланмалар ёхуд китобларнинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий технологиялар ривожининг инсонларга таъсири каби мавзуларда мунозарага киришди.

Ушбу баҳс талабаларда нотиқлик маҳорати, маълумот қабул қилиш маданияти, аниқ далилларга таяниб хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилди. Жараёндаги миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун фикрлар ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъаналаримиз ва бой тарихимизга эҳтиром руҳида тарбиялаши билан аҳамиятлидир.

– Мунтазам ўтказиладиган мунозараларга ҳар гал алоҳида эътибор ва масъулият билан тайёргарлик кўрамиз, – дейди университет талабаси Сарвар Баҳодиров. – Сўнгги босқич биз учун ҳақиқий синов бўлиши шубҳасиз. Унда кучли билим ва салоҳиятга эга тенгдошларимиз иштирок этмоқда. Улар билан бўладиган билимлар беллашуви тинимсиз изланиш, ўз устимизда ишлашни талаб этди.

"Мунозара" турнирининг саралаш босқичлари пойтахтимиздаги барча олий таълим масканларида ўтказилмоқда.

(ЎзА)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

— 22-24 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 февраль** ва **25 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрида **24 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ